

## ШАРТНОМА № 71-Л

7.10.2022 йил .

Гулистон шаҳри.

Кейинги ўринларда **“Буюртмачи”** деб юритиладиган “Сирдарё минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси номидан Низоми асосида иш кўрувчи директор З.Базаров бир томондан, матнда кейинги ўринларда **“Пудратчи”** деб юритиладиган «Магистрал Қурилиш Сервис» МЧЖ Низоми асосида иш кўрувчи раҳбари **М.Тавбоев** иккинчи томондан, ушбу шартномани туздилар.

### I. ШАРТНОМАНИНГ МАҚСАДИ

1.1. **“Пудратчи”** ушбу шартнома шартларига мувофиқ **Боёвут** тумани **Навбахор МФЙ Чашма қишлоғи Кўктерак** кўчасини жорий тамирлаш лойиҳа смета хужжатларни ишлаб чиқиш бажариш мажбуриятини олади. **“Буюртмачи”** эса **“Пудратчи”**га бажарилиши лозим бўлган ишлар учун тегишли меъёрий хужжатлар ва ташкилот нормативлари асосида тузилган лойиҳа-смета хужжатларида кўзда тутилган маблағни тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

### II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. 2022 йил 1-июл кунги танловда (ЛОТ рақами № **22110012154688**) ғолиб бўлиб бажарилиши лозим бўлган ишлар қиймати ( ҚҚС ва барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда **1 552 891** сўмни ташкил этади.

2.2. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, манзиллик рўйхати тасдиқланиб молиялаштирилган маблағи аниқлангандан сўнг тегишли Ҳазначилик тизимидан (Узазбо дастури) рўйхатдан ўтиб, маблағ Республика ёки маҳаллий бюджетдан **“ Буюртмачи ”** махсус ҳисобига туширилганидан сўнг, 10 банк иш кунида **“Буюртмачи”** томонидан бажариладиган ишлар қийматининг аванс (бўнак) тариқасида 30 % келишилган сумма **“Пудратчи”**нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. Маблағнинг қолган қисми Республика ёки маҳаллий бюджетдан **“ Буюртмачи ”** махсус ҳисобига туширилганидан сўнг, **“Пудратчи”** томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунида ўтказиб беради.

2.4. **“Пудратчи”** томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар 2022 йилнинг 31 декабр кунига қадар **“Буюртмачи”** гатопширилиши шарт ҳисобланади. Курсатилган муддатда **“Пудратчи”** томонидан бажарилган ишлар топширилиши таъминланмаган тақдирда, бажарилган ишлар юзасидан **“Буюртмачи”** томонидан молиялаштирилиши масаласи қайта қуриб чиқилади.

2.5. Бажарилган ишлар учун тўловлар **“Буюртмачи”** томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**“Пудратчи”**нинг мажбуриятлари:

3.1. Мазкур шартномага илова қилинадиган бажариладиган ишлар жадвалига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва мазкур шартноманинг ишларни бажариш тўғрисидаги 1-иловасида кўрсатилган жадвал асосида **20 кунда** ишларни бажариб топширади.

3.2. Барча ишларни тасдиқланган смета хужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда бажариш ҳамда **“Буюртмачи”**га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

Объектнинг ижро хужжатларини тўлиқ расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини ва ҳисоб варақ фактуралар (юк хати)дан нусха тақдим этади.

3.3. **“Пудратчи”** мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун **“Буюртмачи”** олдида тўлиқ мулкый жавоб беради. **“ Пудратчи ” “ Буюртмачи ”** олдида ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун ҳам жавобгар бўлади. **“ Буюртмачи ” “ Пудратчи ”** билан тузган шартномалар бузилиши билан боғлиқ талабларни ёрдамчи пудратчиларга қўймайди.

3.4. **“Пудратчи”** геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиқ ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида геодезия ишларида хатолар аниқланса, **“Пудратчи”** тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан амалга оширади.

3.5. Агар беркитилган (ёпилиб кетадиган) ишлар **“Буюртмачи”**нинг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича **“Пудратчи” “Буюртмачи”**нинг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра уни тиклашга мажбурдир.

3.6. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунгача “Пудратчи” курилиш монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтари (журнал)ни юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши акс эттирилади. “Пудратчи” дафтар (журнал)да “Бююртмачи” томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.7. Объект фойдаланишга топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланишига “Пудратчи” тўлиқ жавобгар бўлади.

**“Пудратчи”нинг ҳуқуқлари:**

3.8. Бажариб бериладиган иш учун олинадиган аванс ҳақ тўланишини мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра, ишни бажариб топширгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш.

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асосиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш.

3.8. Лойиха-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари “Пудратчи” томонидан тўлиқ ва сифатли бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлари смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида “Бююртмачи”ни хабардор қилган ҳолда йўналтирилиши мумкин.

3.8. “Пудратчи” зарур ҳолларда айрим иш турларини бажарилишида лойиха-смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўз имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойихачи ташкилотнинг тегишли хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин.

3.9. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойлarda бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

**“Бююртмачи”нинг мажбуриятлари:**

3.10. Тасдиқланган лойиха-смета ҳужжатлари асосида бажарилган ишларни меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида қабул қилиб олиш.

3.11. Бажарилган ишлар учун ҳақ тўланиши мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра, ишни бажариб топширгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинади.

**“Бююртмачи”нинг ҳуқуқлари:**

3.12. “Пудратчи”дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

3.13. Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш.

3.14. “Пудратчи”дан шартномада кўрсатилган ишларини лойиха ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш.

3.15. “Пудратчи” томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш.

3.16. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

3.17. Агар “Пудратчи” шартномани амал қилиш муддати давомида белгиланган объектни “Бююртмачи” га топширмаган тақдирда, “Бююртмачи” мазкур шартнома муддатлари тугагандан сўнг, бажарилган ишлар учун маблағ бериш мажбуриятини олмайди.

#### IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди.

4.2. “Пудратчи” объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун “Бююртмачи”га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 %и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг суммаси тўлаб берилган маблағнинг 50 %идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган камчилик ва нуқсонлар “Пудратчи” томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса, ёки ишлар умуман бажарилмаси, “Бююртмачи” тўловларни тўхтатиб, лозим даражада, ёки умуман бажарилмаган ишларнинг 20 % и миқдорида жарима ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун “Бююртмачи” томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 % миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 % миқдоридан ортимаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

4.6. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 25-32 моддлари асосида белгиланади.

## V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

5.2 “ Пудратчи ” нинг мазкур шартномани бажариши учун бошқа шартлашувчи шериклари, ёрдамчи пудратчилар томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, “ Пудратчи ” да зарур маблағларнинг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

## VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Шартнома асосида белгиланган маблағни молиялаштирилиши билан боғлиқ муаммолар келиб чиққан тақдирда “ Буюртмачи ” ва “ Пудратчи ” ўзаро келишув асосида шартномага ўзгартириш киритиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса, Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Гулистон туманлараро Иқтисодий суди орқали хал этилади.

## VII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ҳазначилик тизимидан (Узазбо дастури) рўйхатдан ўтган кундан кучга кириб, 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

7.2. Объектнинг жорий таъмирлаш бўйича маблағ Республика ёки маҳаллий бюджетдан “Буюртмачи” нинг махсус ҳисоб рақамига 2022 йил 31 декабрь кунига қадар ажратилмаган тақдирда мазкур шартноманинг амал қилиш муддати қайта кўриб чиқилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучга эга.

## VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

### “БУЮРТМАЧИ”

Сирдарё минтакавий йулларга буюртмачи  
хизмати давлат унитар корхонаси  
Гулистон ш. Саховат кучаси 1-уй.  
Тел/факс: 236-55-16  
ш/х: 304521860242127045129118077  
СТИР: 207 252 998

Директор **В.Базаров**



### “ПУДРАТЧИ”

«Магистрал Курилиш Сервис» МЧЖ

Сирдарё т. Ўзбекистон кўчаси 210 уй  
АТБ Халқ банк Сирдарё т филиали  
Х/Р: 2020 8000 3049 6538 5001  
МФО: 00760  
ИНН: 302251184

Рахбар **М.Тавбоев**



## ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА.

Ўзаро тузилаётган пудрат шартномасининг шартлари, хусусан, тарафларнинг ҳуқуқлар, мажбуриятлари, кафолатлари, ишларнинг бажариш муддатлари, ҳисоб-китоб ва тўловлар, ишлаб чиқариш, форс-мажор, тугалланган қурилиш объектини қабул қилиш ҳолатлари, шартномани бекор қилиш ҳамда тарафларнинг мулкӣ жавобгарлик асослари, низоларни хал қилиш тартиби ва якуний талаблар Фуқаролик кодексининг 26, 27, 28 ва 37-боблари ҳамда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонун талабларига мос келади, шартнома тузувчи шахслар шартномани имзолаш ҳуқуқига эга, шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Сирдарё МИБХ ДУК  
Бош юрисконсульти:-

Ф.Х.Усаров



## ТАНЛАШ БАЁННОМАСИ

“ 7 ” 10 2022 йил

Қатнашдилар :	<b>Хайъат раиси:</b> З.Базаров	Директор
	<b>Аъзолари:</b> З.Таджикулов Ф.Ўсаров Ў.Худойбердиев Ш.Таниев М.Култаев А.Абдумунинов	Бош муҳандис Бош юристконсулт Тендерларни ташкил этиш бўлими Бош ҳисобчи Лойиха таъминот бўлими бошлиғи Ишлаб чиқариш бўлими бош мутахассиси

### КУН ТАРТИБИ

1. Road And Civil Engineering МСНЖ таклифини ўрганиб чиқиш.
2. Megateg Injiniiring МСНЖ таклифини ўрганиб чиқиш.
3. Самойй Нур Лойиха МЧЖ таклифини ўрганиб чиқиш.
4. Магистрал қурилиш сервис МЧЖ таклифини ўрганиб чиқиш.
5. Grand Development Project МСНЖ таклифини ўрганиб чиқиш.

Кун тартибида қўйилган масала юзасидан хайъат раиси З.Базаров сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли қонунинг 7-боб 60-моддасининг талабларига мувофиқ Боёвут туман Навбахор МФЙ Чашма қишлоғи Куктерак қўчасни жорий таъмирлаш объекти учун Road And Civil Engineering МСНЖ, Megateg Injiniiring МСНЖ, Самойй Нур Лойиха МЧЖ, Магистрал қурилиш сервис МЧЖ, Grand Development Project МСНЖлардан таклифлар электрон шаклда жойлаштирилганлигини маълум қилади.

Хайъат аъзолари ҳамда таклиф берувчиларнинг электрон шаклда жойлаштирилган ҳужжатлари кўриб чиқилганда куйидаги таклифлар берилганлиги маълум бўлди.

1. Road And Civil Engineering МСНЖ таклифи 1390000 сўм ва қурилиш муддати 30 кун
2. Megateg Injiniiring МСНЖ таклифи 1489000 сўм ва қурилиш муддати 30 кун
3. Самойй Нур Лойиха МЧЖ таклифи 1098003 сўм ва қурилиш муддати 30 кун
4. Магистрал қурилиш сервис МЧЖ таклифи 1552891 сўм ва қурилиш муддати 30 кун
5. Grand Development Project МСНЖ таклифи 1550000 сўм ва қурилиш муддати 30 кун

Хайъат раиси: (З Базаров) ушбу кўрсатилган таклифни хайъат аъзоларига таништирди. Овозга қўйиш натижасида Боёвут туман Навбахор МФЙ Чашма қишлоғи Куктерак қўчасни жорий таъмирлаш объекти буйича Магистрал қурилиш сервис МЧЖ техник жихатдан салоҳияти юқори булганлигини инобатга олиб, ушбу ташкилот билан 1552891 сўмга шартнома тузишга қарор қилинди. Харид комиссияси аъзоларида мазкур лот 22110012154688 иштирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқаларлик мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг (ЎРК-684-сон, 22.04.2021 й.) 23-моддасига кўра, иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси мазкур лот (лар)да иштирок этмайпти.

Маълумотлар [stat.uz](http://stat.uz) саҳифаси орқали текширилди.

Ушбу 22110012154688 сонли лот рақами бўйича Сирдарё МЙХБ ДУК томонидан тасдиқланган танлаш баённомаси юзасидан ҳеч қандай эътироз ёки нарозиликлар юзага келмади.

Овозга қўйиш натижасида 7 та овоз билан Магистрал қурилиш сервис МЧЖ ғолиб чиқди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда хайъат

### ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Road And Civil Engineering МСНЖ, Megateg Injiniiring МСНЖ, Самойй Нур Лойиха МЧЖ, Магистрал қурилиш сервис МЧЖ, Grand Development Project МСНЖ ташкилотлардан тушган таклифларни эътиборга олинсин.

2. Танлов ғолиби этиб Магистрал қурилиш сервис МЧЖ эълон қилинсин ва ушбу ташкилот билан 1552891 сўмга шартнома тузилиши таъминлансин.

Хайъат Аъзолари:  
З.Таджикулов  
Ф.Ўсаров  
Ў.Худойбердиев  
Ш.Таниев  
М.Култаев  
А.Абдумунинов



